

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

### АХБОРОТ ХАТИ

#### Хурматли ҳамкасблар!

Сизларни жорий йилнинг 17-18 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2019 йил 4 мартдаги 126-сон буйруғига Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказиладиган

#### **“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИТЕКТУРА, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙННИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ҲАМДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ”**

мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияда иштирок этишга таклиф этамиз.

Конференцияни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мутахассислари, ҳудудий қурилиш бош бошқармаларининг вакиллари, лойиҳа ташкилотлари, республикадаги мавжуд олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар ва мустақил изланувчилар ҳамда бакалавр ва магистрларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

#### **Илмий-амалий конференция шўъбалари:**

1. Ўзбекистонда шаҳарсозлик амалиётининг долзарб муаммолари.
2. Тарихий шаҳарларнинг марказларини ва ҳудудларини таъмирлаш ва қуриш муаммолари.
3. Ландшафт ва ёруғлантириш архитектураси, боғ-парк санъати амалий муаммоларнинг ечими.
4. Архитектура, шаҳарсозлик ва дизайн билимлари тизимида ишлаб чиқариш билан интеграцион жараёнлар.
5. Архитектура, шаҳарсозлик ва дизайн махсус фанларини ўқитишнинг инновацион услублари ва кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари.

Мақола, тезис материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. Анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этилади. Анжуман ташкилий қўмитаси мақола, тезисларни саралашни ўз зиммасига олади.

#### **Анжуманда иштирок этиш ва материалларини расмийлаштириш шартлари:**

Анжуманда иштирок этиш учун шўъба номи кўрсатилган ҳолда мақола, тезис матнини 1-илова талабларига мувофиқ тайёрлаб, [samgasiarxkonferensiya@mail.ru](mailto:samgasiarxkonferensiya@mail.ru) электрон манзилига 2019 йилнинг 5 апрелга қадар юборишингизни сўраймиз. Юборилган мақола, тезис файлини муаллифлар ўзларининг исми-шарифлари билан номлашлари лозим. Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг аниқлиги ва имло хатолари учун муаллифлар жавобгардирлар. Ташкилий қўмита томонидан қабул қилинган конференция материалларини 2019 йил 10 апрелдан кечиктирмасдан нашр этиш режалаштирилган.

Конференция материаллари тўпламига УДК индекси берилиши режалаштирилган. Берилган муддатдан кечиккан, шунингдек конференция йўналишлари ва расмийлаштириш талабларига мос келмаган материаллар нашр этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**Конференцияни ўтказиш манзили:** 140147. Самарқанд шаҳар, Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти, Лолазор кўчаси, 70. Тел.: (66) 237-18-47, Факс: (66) 237-26-30.

Координаторлар: (93)727-29-63 Дильноза Зайнидиновна, (93)355-19-31 Усмон Ашурович, (97)917-60-69 Нафиса Алишеровна, (93)727-00-70 Дилшод Марданович.

#### **Мақола ва тезисларни расмийлаштириш талаблари:**

1. Мақола бошида саҳифанинг юқориги чап томонидан УДК қўйилади.

2. Икки интервал қолдирилиб мақола, тезиснинг номи бош ҳарфлар билан саҳифа ўртасига ёзилиши керак. Яна икки интервал қолдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми, фамилияси ва бир интервалдан кейин илмий даражаси, ташкилот номи кўрсатилади. Икки интервал қолдирилиб муаллифнинг E-mail ва телефони, бир интервал қолдирилиб навбатдаги қатордан курсив билан аннотация (3-5 сатр) ва калит сўзлар (3-6 та сўз), яна икки интервал қолдирилиб навбатдаги қатордан мақола, тезис матни ёзилади.

3. Конференциянинг иш тили – ўзбек, рус, инглиз.

4. Саҳифа ўлчами – А4, мўлжал – “книжная”, саҳифа ҳошияси: юқоридан 2,5 см; пастдан 2,5 см; чапдан 2,5 см; ўнгдан 2,5 см; шрифт “Times New Roman”, ўлчам – 14, сатрлараро интервал – 1,5.

5. Мақола, тезис матни талабга мос ҳолда расмийлаштирилиши, 3-5 бет ҳажмида бўлишлиги керак.

6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақолада алифбо тартибида номерланган ҳолда жойлаштирилган бўлиши керак, расм, жадвал ва графиклар бўлса, улар матн ичида берилди..

Иштирокчилар нашр ва босмаҳона харажатлари учун ҳар бир саҳифага 15000 (ўн беш минг) сўм бадал пулини нақд, клик тўлови ёки қуйидаги ҳисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширишлари мумкин. Муаллифлар сонидан қатъий назар ҳар бир чоп этилган материал учун бир дона тўплам тақдим этилади.

Ташкилий қўмита конференция мавзусига ва юқорида баён этилган талабларга мос келмаган материални қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

Самарқанд шаҳрига келиш ва кетиш, меҳмонхонада яшаш билан боғлиқ харажатлар иштирокчиларнинг ўз ҳисобларидан амалга оширилади. Иштирокчилар хоҳишига кўра меҳмонхонадан жой буюртма қилиниши мумкин. Жой буюртма қилиш зарур бўлганда олдиндан ташкилий қўмитани огоҳлантиришингизни сўраймиз.

#### **ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ МАНЗИЛИ**

ШҲВ: 4001 1086 0184 0179 5010 0079 013, СТИРи: 201 213 353, ОКОНХ: 92110, МФО: 00283

Молия вазирлиги ғазначилиги Самарқанд вилояти бўйича ғазначилик бошқармаси;

Ғазна Х/В: 23 402 000 300 100 001 010 Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бошқармаси МФО: 00014, ОКОНХ: 97160, СТИРи: 201 122 919

#### **1 – илова. (Мақола, тезисни расмийлаштириш намунаси)**

Шўъба 3

УДК - ...

**АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР – КЕЛАЖАК ТОМОН ТАШЛАНГАН ҚАДАМДИР**

**Камалова Д. З.**

(Илмий даражаси, унвони) Самарқанд давлат архитектура -қурилиш институти

Муаллифнинг E – mail ва телефон рақами (алоқа боғлаш учун ушбу маълумот тўпламда чоп этилмайди)

Аннотация: (3-5 сатр)

Калит сўзлар (3-6 та сўз)

Кириш (мавзу бўйича ҳукумат қарорлари, мавзунинг долзабрлиги, мақсади, вазифаси, тадқиқот объекти)

МАТН.....

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ....

2. ....